



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2023
2-сон



МУНДАРИЖА :

НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Фарход Ҳамидович Набиев Порахўрлик ва коррупциянинг хусусиятлари ва тараққийга таъсири	5
Шаҳобиддин Зиядуллаевич Ўрозов Темурийлар даври нақшбандия тарихати вакили Хожа Алоуддин Аттор ўғитлари ва унинг фалсафий моҳияти	10
Ҳасан Абдусаитович Рахимов Меҳмонхона хўжаликларида кўрсатиладиган хизматларнинг мазмуни билан боғлиқ назарий масалалари	15
Bekniyoz Baxtiyor o‘g‘li Suvonov Ho‘jalik yurituvchi subyektlarda menhat sarfining iqtisodiy mohiyati va uning o‘ziga xos xususiyatlari	18
ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ	
Фароғат Болтаевна Шакирова Инновацион иқтисодиётга трансформациялашув жараёнида айрим муаммолар ва уларни бартараф этишнинг аҳамияти	23
Азамат Абдукаримович Касимов Саноат ривожланишини эконометрик моделлар асосида тадқиқ қилишнинг ўзига хос хусусиятлари	28
Тухта Даминович Маматкулов Иқтисодиётни ривожлантириш ва рақамлаштиришда саноат 4.0 нинг аҳамияти	33
Dilafuz Saidbaxromovna Saidaxmedova Tadbirkorlik subyektlarining raqamli kompetensiyasini oshirish imkoniyatlari	39
Шаҳноза Сууюновна Рузиева Сунъий интеллект технологиялари ва уларнинг таълимни ривожлантиришдаги самараси	42
САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ	
Нилуфар Абдувахидовна Юлдашева Саноат корхоналарида инновацион ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг концептуал асослари	47
Асроржон Ахроржон ўғли Илёсов Саноат маҳсулотлари экспортидаги асосий тенденциялар: миллий ва ҳудудий таҳлил	52
ХИЗМАТ КўРСАТИШ ВА СЕРВИС	
Шодиёр Абдихалилович Султонов Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш масалалари	56
Анвар Нематович Холиқулов Хизмат кўрсатиш корхоналарида сервис сифати ва маданиятини оширишга эришиш йўллари	62
Xurshidaxon Alisherovna Yegamberdiyeva O‘zbekiston temir yo‘llari sharoitida vagon parkini aniqlashda qo‘shimcha omillarni hisobga olish	65
Асқар Ахрорович Сиддиқов Умумий овқатланиш корхоналарида инновацияларнинг таснифланиши	69

лари ижтимоий-фалсафий меросидан муносиб ўрин олди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Накшбандия тариқатига оид кўлёмалар фикристи. Тошкент, 1993.
- 2.Хожа Муҳаммад Порсо. Мақомоти хожа Алоуддин Аттор. №2520/2 ҳижрий 964 (милодий 1556).
- 3.Али Сафий ибн Хусайн Воиз Кошифий. Рашахот айн ал-ҳаёт. (№1788, 2155/II, 1908, 100).
- 4.Салоҳ ибн Муборак. Анис ат-толибин. (№2520/I). Маноқиб хожа Баҳоуддин Накшбанд. (№11594).
- 5.Бўриев О. Хожа Алоуддин Аттор. Тошкент, 1994.
- 6.Бўриев О. Темурийлар даври маънавий мероси тарихидан. Рисола. Тошкент, 2009. –Б.35-43.
- 7.Пауль Ю. Доктрина и организация Хваджаган-Накшбандийа в первом поколении после Баха’ад-дина// Сб.: Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования). Санкт-Петербург, 2001. С. 114-199.
- 8.Муҳаммадхожаев А. Идеология накшбандизма. Душанбе, 1991.

<p>Ш.Урозов</p> <p>Учение Ходжа Алауддина Аттора, представителя тариқата накшбандия темуридского периода и его философская суть</p> <p>Аннотация: В статье научно обосновываются сведения о духовном наследии Ходжи Алауддина Аттора, великого представителя тариқата Накшбандия в тимуридский период, его месте в духовной жизни Средней Азии, его философской сущности. В период Тимуридов основное внимание уделялось вопросу описания суфизма, точнее тариқата ходжагон-накшбандия.</p> <p>Ключевые слова: Суфизм, накшбандия, ходжагон-накшбандия, Ходжа Алауддин Аттор, наследие, духовное наследие, Темуриды, образование, трактат, культура, философия.</p>	<p>Sh.UrozoV</p> <p>Teachings of Khoja Alauddin Attor, a representative of the Nakshbandi tariqat of the Timurid period and its philosophical essence</p> <p>Abstract: The article scientifically substantiates information about the spiritual heritage of Khoja Alauddin Attor, the great representative of the Naqshbandi tariqat in the Timurid period, his place in the spiritual life of Central Asia, his philosophical essence. During the Timurid period, the main attention was paid to the issue of describing Sufism, more precisely, the Khodjagon-Naqshbandi tariqa.</p> <p>Keywords: Sufism, Nakshbandiya, Khojagon-Nakshbandiya, Khoja Alauddin Attor, heritage, spiritual heritage, Temurids, education, treatise, culture, philosophy.</p>
---	--

Ҳасан Абдусайтович Рахимов – СамИСИ доценти, PhD

**МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИКЛАРИДА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ
МАЗМУНИ БИЛАН БОҒЛИҚ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ**

<p>Аннотация: мақолада меҳмонхона хўжалиқларида кўрсатиладиган хизматларнинг мазмуни билан боғлиқ назарий масалалари, айниқса “Меҳмон”, “Меҳмонхона”, “Меҳмонхона хўжалиғи”, “Меҳмонхона хўжалиғи томонидан кўрсатиладиган хизматлар”, “Меҳмонхона индустрияси”, “Меҳмонхона бизнеси” тушунчалари моҳияти ёритиб берилган.</p> <p>Калит сўзлар: Меҳмон, меҳмонхона, меҳмонхона хўжалиғи, меҳмонхона хўжалиғи томонидан кўрсатиладиган хизматлар, меҳмонхона индустрияси, меҳмонхона бизнеси.</p>
--

Кириш. Ўзбекистонда туризмнинг шаклланиш ва ривожланишига эътибор асосан давлатимиз мустақилликка эришгандан кейин бошланди. Ҳозирги кунга келиб мамлакатимизда туризм ва у билан бевосита боғлиқ бўлган меҳмонхона хўжалиғи хизматларини ривожлантириш иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналиши сифатида давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Туризмни ривожлантириш учун зарур ташкилий, ҳуқуқий, иқтисодий механизмлар яратилиб, ҳуқуқатимиз томонидан тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ва бу йўналишдаги ишлар ҳозир ҳам давом этмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг кўплаб Фармонлари, Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди ва қилинмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Ўзбекистонда туризм соҳасида олий ва ўрта махсус ўқув юртларида мутахассислар тайёрлашнинг дастлабки дарсликлари¹, ўқув қўлланмалар², соҳани ривожлантиришда, ўқув-услубий ишларни амалга оширишда ва туристик ресурсларни ўрганишда муҳим аҳамиятга эга бўлган илмий адабиётлар чоп қилинди³. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг долзарб масалалари ва муаммоларининг ечимларига бағишланган, биринчи, йирик таҳлилий адабиётлар ҳам иқтисодийликда туризмнинг муҳим соҳага айланиб бораётганлигини билдиради⁴. Аммо меҳмонхона хўжалиги иқтисодиёти, унинг самарадорлигини ошириш масалалари кам ўрганилган соҳа сифатида қолиб келмоқда.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида жамлаш, гуруҳлаш, индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез ҳамда иқтисодий таҳлилнинг анъанавий усуллари қўлланилди.

Таҳлил ва натижалар. Меҳмонхона хўжалигида кўрсатиладиган хизматлар хизматлар тизимида ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Буларни аниқлаш ва ўрганиш учун мазкур хизмат билан боғлиқ бўлган бир қанча атамаларга аниқликлар киритишни тақозо қилади. Булар жумласига “Меҳмон”, “Меҳмонхона”, “Меҳмонхона хўжалиги”, “Меҳмонхона хўжалиги томонидан кўрсатиладиган хизматлар”, “Меҳмонхона индустрияси”, “Меҳмонхона бизнеси” кабиларни киритиш мумкин. Ушбу тушунчаларнинг таърифларини ишлаб чиқиш натижасида меҳмонхона хўжалиги кўрсатадиган хизматларнинг ўзига хос хусусиятларига аниқликлар киритилиб борилади.

Мазкур тушунчалар бўйича илмий адабиётларда ҳам турли фикрлар айтилган. Аммо биз 5 томлик “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да берилган изоҳларига таянган ҳолда ўз қарашларимизни изоҳлаймиз.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “Меҳмон” сўзи форс тилидан олинган бўлиб, “меҳмон, ташриф буюрувчи”⁵ маъноларини англатиши таъкидланган. Сўнгра унга учта изоҳ берган. 1. Тўй, зиёфат ва ш.к. муносабати билан йўқлаб келган (борган) шахс. 2. Мажлис, йиғилиш, кенгаш ва ш.к.га четдан чақирилган шахс. 3. Четдан ташриф буюрган, вақтинчалик қўнган шахс⁶. Буларни умумлаштириб, меҳмон сўзининг таърифини ишлаб чиқиш мумкин. Бизнинг фикримизча, меҳмонга қуйидагича таъриф бериш лозим, деб ўйлаймиз. **Меҳмон дейилганда, турли сабабларга қўра (мажлис, йиғилиш, кенгаш, тўй, зиёфат) шахарга (қишлоққа, хонадонга) вақтинчалик ташриф буюрган шахс тушунилади.**

“Меҳмонхона” сўзига ҳам мазкур луғатда “(меҳмон + хона)”, деб кўрсатиб, иккита изоҳ берилган. “1. Меҳмон кутиладиган уй. 2. Мусофирларнинг вақтинча туриши учун жиҳозланган хоналардан иборат бино”⁷. Кўриниб турибдики, меҳмонхона лўнда қилиб айтиладиган бўлса, меҳмонларни кутиб оладиган хона, уй каби махсус бинолардан иборат. Аммо унинг илмий таърифини ҳам бериш лозим бўлади. Бизнинг фикримизча

¹ Маматкулов Х., Тухлиев И.С., Бектемиров А. Халқаро туризм. Тошкент, «Ўқитувчи», 2009., Тухлиев И.С., Қудратов Ғ.Х., Пардаев М.К. Туризмни режалаштириш «Ўқитувчи», 2010., Ташмуродов Т. Халқаро туризм. Тошкент, ТошДИУ, 2001. – 64 б.

² Қудратов Ғ.Х., Тухлиев И.С. Туризм иқтисодиёти. Самарқанд, СамИСИ. 2007. – 71 б., Тухлиев И.С., Туризм асослари. Самарқанд. СамИСИ. 2008. – 226 б., Алиева М.Т., Умаржонова А. Туристик мамлакатлар иқтисодиёти. Тошкент, Молия. 2005.– 339 б.

³ Ҳайтбоев Р., Сагторов А. Туризм маршрутларини ишлаб чиқиш технологияси. Самарқанд, СамИСИ. 2009. – 83 б. Ҳайтбоев Р., Амридинова Р. Туризмда маркетинг тадқиқотлари. Самарқанд. СамИСИ. – 2010. – 64 б., Маматкулов Х., Туризм инфратузилмаси. Самарқанд. СамИСИ. 258 б.

⁴ Пардаев М.К., Мусаев Х.Н. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Тошкент. «ИҚТИСОД–МОЛИЯ». 2008. – 260 б., Тухлиев Н.Т., Таксанов А. Экономика большого туризма. Тошкент. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2001. – 208 стр., Ҳакимов З.Л. ва бошқ... Актуальные проблемы туризма – Тошкент. 2009. – 280 стр.

⁵ Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж.П. /Таҳрир хайъати : Т.Мирзаев (раҳбар) ва бош.; ЎзР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006.. – 586-бет.

⁶ Ўша жойда. – 586-бет.

⁷ Ўша жойда. – 587-бет.

меҳмонхонага қуйидагича таъриф бериш мумкин. **Меҳмонхона дейилганда, турли сабаблар билан ташриф буюрган меҳмонларни кутиб оладиган ва уларнинг қисқа вақт давомида бемалол яшашини таъминлайдиган, тегишли шароитларга эга бўлган махсус бино тушунилади.**

“Меҳмонхона хўжалиги” деган сўз бирикмаси “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да келтирилмаган. Ушбу сўз меҳмонхонадан фарқ қилади. Биринчидан, меҳмонхона ҳамиша фойда олишни кўзлаб очилмайди. Масалан, бунга шахсий хонадондаги меҳмонхонани мисол қилиб келтириш мумкин. Аммо меҳмонхона хўжалиги кўпинча тадбиркорлик асосида ташкил қилинган бўлиб, маълум ҳақ олишни кўзлаб ташкил қилинган бўлади. Иккинчидан, меҳмонхоналарда ҳамиша ҳам хўжалик фаолияти амалга оширилмайди. Аммо меҳмонхона хўжаликларида хўжалик фаолияти содир бўлади ва у тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтказилган, тегишли рухсатнома олинган ва фойданинг бир қисмини солиқ шаклида давлат бюджетига тўлаш мажбуриятини олган бўлади. Булардан келиб чиқиб, меҳмонхона хўжалигига таъриф бериш мумкин. **Меҳмонхона хўжалиги дейилганда, меҳмонларга тегишли шароитни яратиш мақсадида тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтказилган, ушбу фаолият билан шуғулланишга тегишли рухсатномага эга бўлган ва фойданинг бир қисмини солиқ шаклида давлат бюджетига тўлаш мажбуриятини олган меҳмонларга хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланадиган юридик ёки жисмоний шахс тушунилади.**

Меҳмонхона хўжалиги томонидан кўрсатиладиган хизматлар масаласи назарий жиҳатдан тадқиқ қилинганда “Меҳмонхона хўжалиги томонидан кўрсатиладиган хизматлар” тушунчасига ҳам изоҳ беришни тақозо қилади. Бунда меҳмонхона ва кўрсатиладиган хизматларнинг мазмунидан келиб чиқиш мумкин. Ушбу айтилганлардан келиб чиқиб мазкур тушунчанинг ҳам таърифини ишлаб чиқиш мумкин. Бизнинг фикримизча ушбу тушунчага қуйидагича таъриф бериш мумкин. **Меҳмонхона хўжалиги томонидан кўрсатиладиган хизматлар дейилганда, меҳмонларнинг қулай яшашини таъминлашга қаратилган, белгиланган ҳажмдаги ҳақ эвазига барча кўрсатиладиган хизматлар (меҳмонларни жойлаштириш, овқатлантириш, ташиш, томоша қилдириш, кўнгилочар тадбирларни ташкил қилиш ва б.) мажмуи тушунилади.**

Меҳмонхона индустрияси ҳам меҳмондорчиликда муҳим аҳамиятга эга экан. Буларни инобатга олиб унга қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. **Меҳмонхона индустрияси дейилганда, меҳмонхоналар, улардаги хоналар сони, уларга меҳмонларни жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт воситаларида ташиш, сайр қилдириш, дам олиш (рекреация), кўнгилочар тадбирларни ташкил қилиш каби хизматларни амалга ошириш имкониятлари мажмуи тушунилади.**

Меҳмонхона хўжалигини тадбиркорлик мақсадида ташкил қилинишини эътироф этган эдик. Агар шундан келиб чиқиладиган бўлса, таъкидлаш жоизки, унинг таркибида меҳмонхона бизнеси ҳам тегишли тарзда ўз ифодасини топади. Иқтисодий адабиётларда бизнес тушунчасининг бир қанча таърифлари берилган. Аммо меҳмонхона бизнесининг таърифи кам ишлаб чиқилган ва иқтисодий адабиётларда жуда кам ёритилган. Буларни инобатга олиб “Меҳмонхона бизнеси”га қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. **Меҳмонхона бизнеси дейилганда, меҳмонларнинг яшаш ва дам олиши билан боғлиқ бўлган барча талабларини қондиришга қаратилган маълум ҳақ эвазига амалга ошириладиган хизматлар мажмуи тушунилади.** Мазкур таърифда меҳмонхона ва бизнес сўзларининг бирикмаси ва уларнинг мазмуни ўз ифодасини топган.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридагилардан шундай хулоса қилиш мумкинки, меҳмонхона хўжаликларида кўрсатиладиган хизматларнинг мазмуни билан боғлиқ назарий масалалари атрофлича ўрганилишига қарамасдан, уларнинг назарий ва амалий масалалари етарли даражада тадқиқ қилинмаган. Шу туфайли ушбу масалаларни тадқиқ қилиб, бир қанча хулосаларга келинди ва илмий-назарий ва амалий аҳамиятга молик тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Меҳмонхоналарнинг турлари ва таснифи бўйича жаҳонда бой тажриба тўплан -

ганлигини инобатга олиб, улардаги таснифлар ва меҳмонхоналарнинг турлари ўрганилди ва улардан мамлакатимизда фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари очиб берилди. Мамлакатимизда меҳмонхона хизматлари самарадорлигини ошириш учун уларни ихтисослаштириш лозимлиги асосланди ва унинг асосий йўналишлари ҳам кўрсатиб берилди.

2. Мазкур масаланинг назарий жиҳатлари тадқиқ қилиниб “Меҳмон”, “Меҳмонхона”, “Меҳмонхона хўжалиги”, “Меҳмонхона хўжалиги томонидан кўрсатиладиган хизматлар”, “Меҳмонхона индустрияси”, “Меҳмонхона бизнеси” тушунчаларининг такомиллашган муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди.

Бизнинг тавсияларимиз амалиётда ва илмий адабиётларда қўлланилса, ўйлаймизки, туризмнинг турларига аниқлик киритилиши, адабиётларда илмий-назарий масалаларнинг ёритилиши борасида бир қанча қулайликларни туғдиради. Биринчидан, мамлакатимизда ушбу соҳа бўйича классификаторни такомиллаштириш имконияти яратилади. Иккинчидан, янги авлод адабиётлари ҳам ушбу туризмнинг турлари билан бойийди ва уларнинг назарий ва амалий муаммолари тадқиқ қилиниб, жуда кўп ечимларга жавоб топилади. Тўртинчидан, турфирмалар самарадорлиги ошади ва янги авлод адабиётларининг пайдо бўлиш имконияти яратилади ва уларнинг мазмуни замонавий гоюлар билан бойитилади.

Х.Рахимов	H.Rahimov
Теоретические вопросы, связанные с содержанием услуг, предоставляемых в гостиницах	Theoretical issues related to the content of services provided in hotels
Аннотация: в статье рассмотрены теоретические вопросы, связанные с содержанием услуг, предоставляемых в гостиницах, особенности значения понятий «Гость», «Гостиница», «Гостиничное хозяйство», «Услуги, предоставляемые гостиницей», «Гостиничное дело».	Abstract: the theoretical issues related to the content of services provided in hotels, the features of the meaning of the concepts "Guest", "Hotel", "Hotel industry", "Services provided by the hotel", "Hotel business" are considered in the article.
Ключевые слова: гость, гостиница, гостиничный бизнес, услуги гостиничного бизнеса, гостиничное хозяйство.	Keywords: Guest, hotel, hotel business, hotel business services, hotel industry.

Bekniyoz Baxtiyor o‘g‘li Suvonov – Toshkent Davlat iqtisodiyot universiteti tayanch doktaranti

XO‘JALIK YURITUVCHI SUBYEKTLARDA MENHAT SARFINING IQTISODIY MOHIYATI VA UNING O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

<p>Annotatsiya: Bozor iqtisodiyoti sharoitida ishchi kuchi mehnat bozorida sotish va sotib olish subyekti bo‘lganligi sababli uning narxi boshqa iqtisodiy tovarlar kabi asosiy iqtisodiy qonunlar va birinchi navbatda qiymat qonuni ta‘siriga bo‘ysunadi. Ushbu maqolada xo‘jalik yurituvchi subyektlarda mehnat sarfi ko‘rsatkichlarining nazariy asoslari bo‘yicha takliflar va muammolar haqida so‘z boradi.</p> <p>Kalit so‘zlar: mehnat, mehnat sarfi, mehnat unumdorligi, ishchi kuchi, Ijtimoiy sug‘urta, “mehnatga haq to‘lashning eng kam miqdori”, Mehnat intensivligi.</p>

Kirish. Hozirgi davrda dunyo mamlakatlarining ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyoti o‘zining ma’no-mazmuni jihatidan oldingi bosqichlardan keskin farq qiladi. Bunda eng asosiy va muhim jihat – milliy iqtisodiyotlarning tobora integratsiyalashuvi va globallashtiruvining kuchayib borishidir. Biroq, o‘z o‘rnida ta’kidlash lozimki, jahon iqtisodiyotiga integratsiyalashuv va globallashtiruvning ijobiy tomonlari bilan bir qatorda ma’lum ziddiyatli jihatlari ham mavjud. Jumladan, turli mamlakatlardagi iqtisodiy rivojlanishning bir tekisda bormasligi, dunyo mamlakatlari o‘rtasida ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish jihatidan tafovutning mavjudligi, ekologik tahdidlarning kuchayib borishi, turli mamlakatlarda aholi soni o‘zgarishining keskin farqlanishi kabi holatlar jahon xo‘jaligining yaxlit tizim sifatida barqaror rivojlanishiga to‘sqinlik qiladi. Shuningdek, mazkur jarayonlarning yana bir jihati – jahonning bir mamlakatida ro‘y berayotgan

ISSN 2091-5187

∞ “СЕРВИС” ∞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

2.06.2023 йилда теришга берилди. 21.06.2023 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0045А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023